

# Turkiston

1925 yildan chiqiboshilgan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIIY HARAKATINING GAZETASI


2002-yil 11 aprel, payshanba № 45 (14536)

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳозирда ишонч билан айта оламизки, университет ва институт, коллеж, лицейлар талабалари орасида бирмунча эътибор топди.**

Бу янги ташкилотнинг ютуқли жиҳати шундаки, у талабалар орасидан ҳар жиҳатдан бошқаларга ўрнак бўлади, ташаббускор ёшларни сафига бирлаштириди. Буни биргина биз тахсил олаётган Ўзбекистон Миллий университети мисолида янада равшанроқ кўриш мумкин.

Харакатнинг бошланғич ташкилотчиси

## САЛМОҚЛИ ҚАДАМ



ти етакчиси Олимжон Худоназаровнинг сабб-ҳаракати билан ҳар бир гуруҳдаги етакчилар вазифасини сикдидиллик билан бажараётганининг ўзидек дастлабки, ижобий тасаввурни уйғотади. Бундан ташқари, университетда ёшларнинг сеvimли «Шаввоzлар» театр-студиясига иштидорли, санъатга қобилияти бор ёшларни «Камолот»нинг кўмаги билан бирлаштираётгани, ўнлаб ёшларнинг келажакда бу соҳаларда ҳам ўз ўрнини топишига хизмат қилади.

Яна бир жиҳати, бугун Харакатнинг бошланғич ташкилоти етакчисини қабулга киришга ошқабатганларнинг сафи кенгайди. «Камолот»нинг мақсад ва вазифаларини тўғри англаган йигит ва қизлар, энг аввало «Камолот»га муружаат қилиши ҳамда ўз вақтида талаби амалга оширилиши барча талабаларнинг таянчи ва суянчига айланиши йўлида салмоқли қадам бўлаётти.

Биз синоманистик, Харакатнинг тез орада ёшларимизга таъсири янада ортади. Бунинг учун алаббатта, барча тендошларимиз ўз ҳиссасини қўшимқликни асосий вазифа деб билишмоқликлар зарур.

Файзулла НОРМАМАТОВ, Ўзбекистон Миллий университети магистранти

## «КАМОЛОТ» ДАН МИННАТДОРМАН

**Манзура ХОЛМИРЗАЕВА — Термиз шаҳридаги 2-мактабнинг 9-«банк» синфи ўқувчиси. Баҳор фаслининг илк кўнла-ри унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Манзура Зулфия но-мидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.**

— Манзураҳон, Сизни катта ютуғингиз билан табриклаймиз, бу нуқтилас воқеа-нинг ширин дамлари ҳақида сўзлаб берсан-гиз?

— Аввало раҳмат. Тўғри, мен ҳукуматимизнинг бундай катта мукофотига эришаман, деб ҳечам ўйламаганман. Бахтимга ёшларнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши бор экан, улар номзодимни Давлат мукофотига кўрсатишди. Менинг адабий йўналиши бўйича ёзган шеърлар, ҳикоялар ва публицистик асарларимни тавсия этишди. Республика комиссиясига вилоятлардан жами 75 та ҳужжат тақдим этилган экан. Шуллардан 14 нафар кўзга Зулфия номидаги Давлат мукофоти топши-рилди. Мукофотланганлардан учтаси адабиёт, яна учтаси рассомчилик ва қолган саноатчилик тавлим, маданият, экология, фан йўналишлари бўйича ўз ижодий-илмий ишларини тавсия этишган экан.

— Эришган бу галабанингиздан кўпроқ ким хур-санд бўлди?

— Энг аввало онажоним, кейин бобомлар ва қолаверса, ўқитувчи — устозларим, синфдошларим, мактабдошлар... Айниқса, синф раҳбаримиз Зумрад Тураева, мактабимиз директори Робия Каттаева ва бошқа узоқ-яқин қариндошларимиз ҳам жуда мамнун бўлишди.

Тошкентда бизни нуфузли идораларда, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Б. Ўбайдуллаев қабул қилди. Қабул чоғида чанқовуз чалиб, «Мен Кўнги-ротнинг қизиман» достонимни айтиб бердим.

— Келажакдаги орзуингиз?

— Орзуларим жуда кўп: уларнинг бари мен учун қадрли ва азиз. Энг катта орзуим «мана шу» деб айтолмайман. Сабаби ҳали жуда кўп ўқишим, ижод қилишим керак. Зулфия опадек элимнинг ардоқли шоираси бўлишни истаймман.

— Қайси ёзувчи-шоирларнинг асарларини севиб ўқийсиз?

— А. Қодирий, Зулфия, А.Орипов, Э.Воҳидов, Ў.Ҳошимов, Т.Малик, У.Азим, ва Х.Даврон асарларини мутолаа қиламан.

— Қайси хорижий тилларни ўрганаёйсиз?

— Рус тилини яхши биламан, инглиз тилини ўрганаёяман. Бундан ташқари, мактаби-миздаги спорт ва компьютер тўғра-қарига қатнашаёян-ман, рақсга тушиб, кўшиқ айтаоламан.

— Ватан, иймон деганда қалбин-гиздан қандай ўйлар кечади?

— Инсоният бор экан, унинг чексиз ифори мавжуд. Инсонда она ягона бўлганлиги сингари, Ватан ҳам ягонадир. Ватан! Бу шундай илохий туйғуки, бу биргина сўзга жамики меҳр-муҳаббат чўлғаниб кетади. Ватан - буюк қудрат. Инсон ўз киндик қони томган тупроқда ўзини мағрур ва хотиржам, бамисли шох ҳис қилади. Ватан севгисидан қалб ёруғ, эътиқод бутун, иймон уйғоқ бўлади. Ватан — ҳур ва озо-д қалблар қазбаси. Қазбатуллоғга сажда қилгани-миздек, биз ҳам ҳур, озо-д ўлкамиз остонасига бош қўйиб, муборак тупроғини кўзларимизга суртамиз. Ватан чексиз уммон, мовий осмон, чароғон кўёш, порлоқ юлдуз. Ватан таърифига ҳеч қачон нуқта қўйиб бўлмайди.

Сўхбатимиз узоқ давом этди. Манзуранинг яна қандай ютуқ ва камчилиги бор, деган саволимиз-га қаҳрамонимизнинг онаси Сайёра Эсонова куйидагича жавоб берди:

— Манзура катта қизим, яна уч ўғлим бор. Унинг бу мукофотни олиши ҳаёлимда ҳам йўқ эди. Дастлаб унинг «Она, «Камолот» мени муко-фотга тавсия қилди», деганида, рости ишонма-гандим. Қизимнинг истеъдоди шунчалик юксак қадлангани, деб ҳечам ўйламагандим. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгашидан бир умр миннатдорман. Қизим Манзура табиятан оғир, камтар-камсуқум. Лекин иродаси кучли.

«Turkiston» мухбири Чори ЖУМАҚУЛОВ сўхбатлашди



Азиз АҚРОМОВ олган суратлар

## ХАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН МУСОБАҚА ЮКСАК САВИЯДА ҲАДАИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақа-ларини ташкил этиш ва ўтказиш бош штаби йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур ижтимоий ҳаракат Марказий Кенгаши раиси, бош штаб бошлиғи Б.Ўбайдуллаев бошқарди.

Таъкидланганидек, юртимизда ёшларни ҳар-бий-ватанпарварлик, миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида анъанавий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Бу борада Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Қасаба уюшмалари федерацияси, «Ватанпарвар» ташкилоти ва «Нуроний» жамғар-маси билан самарали ҳамкорлик қилинаётган ва — Шу кунларда мазкур тадбирнинг туман ва вилоят босқичлари кўтаринки руҳда ўтмоқда, — деди Харакат Марказий Кенгаши халқаро алоқа-лар, ҳарбий ватанпарварлик ва спорт бўлими мудири Т.Арслонов ЎзА муҳбирига. — Шу кунгача мусобақаларда 120 минг нафардан зиёд ўрта махсус касб-хунар таълими тизими талабаси, 175 мингта яқин мактаб ўқувчиси иштирок этди. Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида эса ушбу тадбирнинг вилоят босқичи ажунланди.


Йиғилишда мазкур мусобақанинг навбатдаги босқичини янада уюшқоқлик билан оқори савия-да ўтказиш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири

Харакатнинг Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети бошланғич ташкилоти ташаббуси билан Ўзбек Миллий академик драма театрида Наврўз айёмига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Ф. Маҳмудхўжаев, Ҳиндистон маданият марказидан меҳмонлар ҳамда талабалар иштирок этишди. Университет талабалари саҳна асарларида мил-лий анъаналар ҳамда дунёнинг бошқа халқлари урф-одатлари ва анъаналарини намойиш қилди-лар.

Тадбирдан жой олган Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган спектакл нафақат ёшларда, балки барчанинг қалбидан чуқур жой олди.

Дилноза МҮМИНОВА



Азиз АҚРОМОВ олган суратлар

Самолёт табаррук шаҳар заминига кўнган, энг аввало аэропорт биноси устидаги «Бухоро» деган ёзувга кўз тушади. Шунда кўнчилигинг тилига бирдан «Бухорои шариф», деган калом келади. Матълумки, бу шаҳарда улғу маҳаддис Ал-Бухорий туғилиб ўсганлиги шарофига Бухоро шариф, деб атала бошланган.

Баъзи олимлар, ноқулай табиат минтақасида тезкорлик билан бунёд этилган шаҳарларнинг «умри» қисқа бўлади, дейишади. Бундай шаҳарлар табиий офатлар хуружига кўпроқ дучор бўлар экан. Не бўлганида ҳам қадим замонларда бунёд этил-ган, табиий равишда жойлашган шаҳарларнинг ҳосияти ўзгача-да!

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз каби шаҳарларимизни доимо кўкларга кўтариб мактаймиз. Бу асосли ва табиий ҳол. Аммо шунинг ўзигина етарлимикан?

Дейлик, биз ҳам «Самарқандия», «Шаҳри Кеш», «Тошкандия» ёки «Бухорои шариф» деган фанларни мактабларда ўқитсак бўлмайми? Ё бунинг учун бизда тарихий «матери-аллар» қанми? Асло! Бу кўнча шаҳарларимиз зулм билан сунъий қурилмаган, уларда «инсоният тонги» дан буён одамлар яшаб келади. Сабаби — шаҳарларимиз энг баҳаво, серҳосият табиий минтақа-ларда жойлашган. Бундан аввал ҳам бу шаҳарларда маданият тараққий этган.

«Бухоронинг ҳар бир гишти — ҳикмати», дейишади. Бухоро ҳосият-лари ва гаройиботларининг чеки йўқ. Мана, шулардан биттаси: Минораи Калон бундан 875 йил аввал бош меъмор Уста Бақо бошчилигида қурилган. Уни эҳти-мол, саркарда Жалолиддин Манғу-берди ҳам кўрган. Не-не тарихий улғу зотларнинг нигоҳлари тушган. Уста Бақо «Бу минора то қиёматгача беэвалов тургай. Қиёмат куну у менинг қабрим томон кулайди ва мени уйғотади», деган экан. Мино-

ранинг бандлиги — 47 метр, устанинг қабри ҳам минорадан шуна узоқликда сокин топган, дейишади. Шўро босқинчилари уни йўқ қилиш учун аэропландан бомба-

Самарқанд-у, Бухорога атаб эҳтирос-ли шеърлар битган. Негаки, бу шаҳарлар азалдан европаликлар тасаввурига тўкин ва афсонавий ўлка ҳисобланган.

Умуман, ҳар бир шаҳримиз ўтми-шида мактанса арзигулик, ибрат олғулик воқеалар тўлиб-тошиб ётибди. Қанча жасоратлар, не-не улғувор тантаналар, шунингдек, изтиробли, қора кунлар ҳам ўтган уларнинг тарихида. Улар неча-неча жилдлик тарихларни ташкил этади! Бу шаҳар-ларда туғилиб, улғайган жаҳоншумул алломалар, буюк инсонлар, саркар-далар, шоиру фузалоларни эса санаб адоғига етиш мушкул! Билганлар

айтсин, яна қайси бир юрда шунча-лик кўп буюклар етишиб чиққан? Тақдирнинг буюк иноятини, яъни ушбу зотларга муносиб авлод бўлиш масъулияти, бурчини бажариш керак-ку, ахир!

Ғалпи муҳтасар айласак, бизнинг-ча, обод ва серҳосият шаҳарларимиз номига ўзларининг тарихий уновлар-ини қўшиб айтсак, қандай бўлар-кин? Бу, айниқса, сўнгги йилларда олиб борилган мислсиз ободон-чилик ишларига жуда мос тушувчи ҳодиса бўлар эди. Ҳамон ёдимизда, истибод даврида «нур Масковдан таралди» қабилидаги нуқул сохта таърифлар қайта-қайта ўқурилиди. Ваҳоланки, Бухоронинг «Бухорои шариф», Шахрисабзнинг «Куббатул илм вал-адаб», Қўқоннинг «Хўқонди латиф» деган гўзал ва улғувор уновлари атайлаб тилга олинмас, унутилишга маҳкум этилган даврлар-ни ҳам кўрдик. Бу уновларни тик-лаш учун кенг имкониятлар энди очилди. Фақат қалба гурур туйғуси ва билиш истаги бўлса, бас.

Юқоридаги шаҳарлар ҳақида алоҳида китоблар ёзилганда, ҳар бири ўнлаб жилдларни ташкил этиши шубҳасиз. Шунда ҳам барча маълу-мотларни тўлиқ қамраб олиш ниҳоят-да мушкул бўлади.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

## ШАҲАРЛАР ШАЙ

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида Республика талабалари ва мактаб ўқувчиларининг «Универсиада — 2002», «Умид ниҳоллари» мусобақаларига тайёргарликка баришланган матбуот анжума-ни бўлиб ўтди. Унда мамлака-тимизда ўтказилиб келинаётган мазкур спорт мусобақалари-ни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — спорт ҳамда жисмоний тарбиянинг ёшлар ораси-даги узлуқсиз-лиги ва оммавийлигини таъ-милаш бўлганини ва бунга эришилганлиги алоҳида таъ-кидланди. «Умид ниҳоллари» бахсарлари Республика мактаб ўқувчиларининг олти миллион нафарга яқинини, аниқроғи уларнинг 88,3 фоизини ўзига жалб этганлигига эътибор қаратилди. Анжуманда мусоба-қаларга тайёргарликка спорт кийимларининг ҳам намоиши бўлиб ўтди.

Мажлисада Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Х. Раҳи-мовнинг «Умид ниҳоллари — 2002» та, шунингдек, Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари М. Буроновнинг «Универсиада — 2002» мусобақаларига тайёр-гардининг бориши ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Матбуот анжуманида Ўзбе-кистон Халқ таълими вазири Р. Жўраев, Ўзбекистон Республика-си Президентига девончи масъуа ҳодими Минҳожиддин Ҳожиматов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Маскутов ва мудофаа-га кўмаклашувчи «Ватанпар-вар» ташкилоти, Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари иштирок этиш-ди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ

## СИБИРЬ ДАРЁЛАРИ — ОРОЛГА

Пойтахтдаги «Шератон» меҳмонхонасида «Экосан» халқаро жамғармаси ҳамда Россия-нинг чет мамлакатлар билан алоқа қилиш марказининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан «Орол ва Оролбўйи муам-молари-халқаро ҳамкорликка даъват» мавзуи-да экофорум ўтказилди. Унда сув муаммолари бўйича ўзбекистонлик ва россиялик олимлар, мутахассислар иштирок этишди.

Мазкур форум Оролбўйидаги ижтимо-ий-экологик муаммо-ларни, шу жумладан, минтақани сув билан таъминлаш бўйича ҳамкорлик режасини ишлаб чиқиш ва муҳо-кама қилишга бўлган зарурат туфайли ташкил қилинди, — деди Ўзбекистон Республика-си Президентининг Давлат маслаҳатчиси Исмомил Жўрабеков анжуманда сўзга чиқиб. — Марказий Осиё минтақаси сув захиралари танқисли-гини бошдан кечирмоқ-да. Бу муаммони фақатгина қўшимча сув захиралари олиб келиш орқалигина ҳал қилиш мумкин. Кейин-ги икки-уч йил даво-мидаги қурғоқчилик ва сув танқислиги минтақа аҳолисининг сув билан таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги экинларини сугориш ишларига янада жиддий қийинчи-ликлар туғдирди.

Орол ва Оролбўйи-даги муаммоларни минтақадаги мамлакат-лар ва халқаро жамоат-чиликнинг бирлашган кучларисиз ҳал қилиш мумкин эмас. Марка-зий Осиё дарёларининг донорлик хусусия-тини четдан қўшимча сув олиб келиш ҳисо-бига, аниқроғи Сибир-нинг - Обь ва Иртиш дарёлари сувининг бир қисмини олиб келиш орқали кўпайтириш мумкин. Экологик, иқтисодий ва техник томондан чуқур ўрганилиб, ишлаб чиқилган «Си-бир — Марказий Осиё» трасса канали тўғри, деб топилди. Буни амалга ошириш Рос-сия учун ҳам, Марка-зий Осиё учун ҳам самарали ва қулай деб тан олинди. Бирок «қайта қуриш» даврида турли оқим ва янги пайдо бўлган сибсат-донлар собик империя емирилиши арафасида аҳолини жиддий муаммолардан қалғи-ти учун мазкур лойиҳага қарши кампа- «Туркiston-пресс»

XXI аср — ёшлар асри  
Fайзулла САИДАЛИЕВ,  
Жиззах вилояти

«Turkiston»га обунга бўлинг! Нашр индекси — 203

Манзура ХОЛМИРЗАЕВА,  
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Янги дунё — ёшлар дунёси  
«Обуна давом этади» танловига қат-наштириш истаган ёшлар «Turkiston»га обунга бўлинг! Нашр индекси — 203

Мақсуд Ёқубов — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти Кенгаши раиси. Мана бир йилдирки, хоразмлик ёшларнинг сардори бўлиб, улар билан ҳамфикр, ҳаммаслак иш юрғатмоқда. Албатта, ишда бирон-бир ютуққа эришиш учун, дастлаб тажриба туғдириш, қулайлик ва муаммоларни ўрганилади. Шу маънода Ҳаракатнинг бир йиллик фаолиятини синов даври дея атаб, Мақсуд ога билан суҳбатимизни кўпроқ ана шу жиҳатларга қаратдик.

— Гарчи сизга ёшлар билан ишлаш, уларни қизиқтириш нотаини бўлмасда-да, дастлабки кезларда янги ташкилотда иш юритиш қийинчилик туғдирмади?

— Бунга аниқ қилиб, ҳа ёки йўқ деб жавоб бериш мушкул. Чунки «Камолот»нинг мақсад ва вазифалари дастур ва низомида аниқ қилиб ёзиб қўйилган. Шундан келиб чиқиб вазифаларини белгилаб олдик. Аммо буни ёшларга етказиш, уларни ташкилотга қизиқтириш бир мунча қийинчиликлар туғдирди. Агар биз бир жойда ёшларни туғдириш, йиғилиш ўтказмоқчи бўлсак, табиийки, уларни етаклай билмаган сўз айтмоғимиз керак эди. Мен

# БУЙРУК ЭМАС, ТАШАББУС МУХИМ

қарада бўлмасин улар билан учрашганимда бир фикрнинг илгари сураман. «Камолот» дастурда тепага пирамида шаклида фикр ва ташаббусларга қараб фаолият юрғатилган ташкилот ҳисобланади. Бунга аниқ ва лўнда қилиб айтганда, илгаригилар каби юқоридан буйруқ билан эмас, энг куйи бунгидан «Камолот» аъзолари ва етакчиларининг фаолиятдан «озикланидиган» ташкилот.

— Бир йиллик фаолиятининг қисқача мазмунига тўхталиб ўтсангиз?

— Ҳали кўп ишларга улгурганимизча йўқ, деб ўйлайман. Утган бир йил давомида унга яқин турли мавзуларда катта анжуман, семинар-тренинглр ўтказдик. Шуларнинг натижасида вилоятда 172056 нафар аъзо туғдирик. 194 та саноат-қурилиш ташкилотларида 132 та қишлоқ хўжалик ширкати ва жамоаларида, 7 та ҳарбий қисмда, 519 та мактабларда ҳамда бошқа турли ташкилотларда 210 та Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти туғилди. Қилинган ва режада амалга оширишга мўлжалланган ишлар кўп. Шу боис ўтган йил давомида биз қамрашга ҳаракат қилган мавзуларга тўхталиб ўтсам. Ёшлар ва бандлик, гиёҳвандлик ва ОИТ-Сдан сақлаш, диний экстремизм таъсиридан огоҳ этиш, илм-фан ва спортга меҳр уйғотиш, доимий диққат эътиборимиздаги мавзулар саналади.

— Ташкилот бир йиллик фаолияти давомида ёшларнинг қайси бир қатламни кўпроқ жалб қилди?

— Илмли, спортга маъража банд фаол ёшларни десам янглишмайман. Уларга Ҳаракатнинг фаолияти ҳақида тушунтириб ўтиришга ҳолат йўқ. Фақат қўллаб-қувватланса бас, қолганини ўзлари олиб кетди. Биз қарада бўлмасин ана шундай йиғит-қизларни излаймиз. Чунки бунга қанчалик тез эришсак, «Камолот» ёшларимиз ичига янада тез кириб боради. Уйлаган ниятларимиз қийинчиликлариз амалга ошарди.

— Ҳаракат атрофида ёшларни кўпроқ биланштириш, уларнинг имкониятларидан самаралироқ фойдаланишда яна қандай ишларни амалга ошириш керак деб ўйлайсиз?

— Биз уларга таъсир эта билиш йўллари топшимиз керак. Бўлмаса, барча ҳаракатларимиз бефойда деб биламан. Ҳаракатнинг туман Кенгашлари раислари, ташкилот етакчилари ҳам ташаббускор бўлса айна мунча булур эди. Чунки улар ёшларга бизга қараганда ҳам яқин. Муаммо ва ютуқларини яқиндан кўра билади. Бугун айримлар ёшлар турли йўллари кириб кетаётганини таъкидлаб, ёшларни айбоналади. Мен айтмоқчиманки, бунда ёшларнинг айби йўқ. Бу биз каби ёшлар билан шуғулланидиган ташкилотларнинг «бир ёқдан бош чиқара» билмаганининг натижаси.

Хулоса қилиб айтганда, бугун биз синов давридан қийналмай ўтдик. Муаммолардан кўра ютуқларимиз кўпроқ кўзга ташланади. Ҳаракат ёшлар қалбига йўл топишга жиҳдий қадам ташляпти. Уйлайманки, бунинг сезиларли даражада намоён бўлишига яқин қолди.



Тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқлар бугун барчани қувонтириши шубҳасиз. Зеро, соғлиқни сақлаш тизимидаги янгиликлар, кашфиётлар, ўзгаришлар шу азиз халқ саломатлиги учун хизмат қилади. Қайси соҳага назар ташламайлик, барчасида интилиш, ривожланиш бор. Демак, имкониятларимизни амалда тўла-тўқис қўллаяпмиз.

Тошкент Давлат 1-тиббиёт институтининг олий маълумотли хамширалар тайёрлаш бўлими бу йил олий хамширалик иши бўйича биринчи бакалавр мутахассисларга диплом беради. Маълумки, ушбу бўлим Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури» бўйича қабул қилинган Фармони асосида ташкил этилган эди.

Уша пайтда олий маълумотли хамширалар тайёрлаш осон иш эмаслигини, бунинг учун масъул кишидан ирода ва қатъият талаб қилишини кўпчилик англаб етганди. Шу ўринда бир савол туғилади: Хамшира ким? Ушбу саволга ҳеч иккиламмасдан шифокорнинг ёрдамчиси, деяр жавоб қайтарамиз. Аслида ҳам шундай. Бироқ бугун тайёрланаётган олий маълумотли хамширалар қайси жиҳати билан оддий хамширалардан ажралиб туради, уларга қандай лавозим, қандай мақом берилади?

— Айна шу масалада биз анчагина бош котирагимиз, — дейди олий маълумотли хамширалар тайёрлаш бўлими мудири Нодира Янгиева. — Чунки бўлимида коллеж ўқув талабларидан тубдан фарқ қилинади. Бўлимидаги фақатгина тиббиёт коллежини тамомлаган йиғит-қизлар тест синовини асосида қабул қилинади. Айна пайтда 113 талаба тахсил олаётган бўлса, барчаси тиббиётда «қўзи пишган», амалиётда қўли ўрганган бўлажак мутахассислардир. Шу боис, уларни юқори босқичда, яъни мураккаб фанларни ўқитишда ҳеч қандай муаммо бўлмапти. Бизда тайёрланаётган хамширалар оддий хамширалардан анча юқори савияда бўлади. Оддий хамшира фақат шифокорнинг буйруғини бажариши бизга сир эмас. Олий маълумотли хамшира эса биринчи навбатда беморга хамширалик ташхисини қўяди, шифокор билан бу борада маслаҳатлашади, ўз фикрларини айтиди. Беморга муолажаларни тайинлаш билан бир қаторда унга хамширалик маслаҳатларини мунтазам беради, беморнинг оилавий ҳаётини ҳам яқширишига ўрганади. Кўрпачисизки, ҳамма нарсасига унинг билими етади. Шу боис, уларни айна пайтда етакчи, хамшира деб аташ кўзда тутиляпти.

Ушбу бўлимда тўртта йўналиш, яъни акушер-гинекология, жаррохлик, анестезия-реанимация, блокларни ҳамда хамширалик иши менежерлиги бўйича олий маълумотли

# «КАМОЛОТ» ҚАНОТЛАРИ

## ТАНИШИНГ: ҲАРАКАТНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини юргизишда энг асосий етакловчи куч Ҳаракат фаоллари зиммасида бўлгани билан «арқон»нинг яна бир учи жойларда фаолият юрғатган маҳаллий ҳокимият мутасаддиларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Чунки ёшларни билаштириш, уларнинг билим ва имкониятларидан самарали фойдаланиш шу ҳудудда яратилган қулайликларга бориб тақалади. Сирли жойи йўқ, бугун барча жойларда ҳокимлар ва бошқа соҳадаги раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам «Камолот»га етарли эътибор қаратаётган деб бўлмайди. Фақатгина Ҳаракатнинг келажаги, ундан унумли фойдаланишнинг йўлини билган раҳбарларга бунга жонлангирини ўз олдига асосий вазифа қилиб қўяди. Ана шундайлардан бири сифатида, ҳеч иккиланмай Бовот тумани ҳокими Оллоберган Оллобергановни айтиш мумкин.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти Кенгаши раиси Мақсуд Ёқубовнинг сўзларига қараганда, Оллоберганов ақилдан ўзи ҳам ёш, шу билан бирга ёшлар билан ишлашнинг «уста»си экан. Унинг қисқача вақт ичида амалга оширган ишлари ёш раҳбарнинг изланувчанлиги ва ишни ташкил этиш малакаси етарли эканлигини кўрсатди.

Бороталиқлар бундан икки йил олднинг «Бовотекс» очик ҳиссадорлик жамиятининг қай аҳводалигини яхши билишади. Чунки бир вақтлар туман иқтисодига катта моддий даромад олиб келадиган корхона таназзулга учраб, минглаб ишчилари бекор қолганди. Бироз муболага билан айтганда, энди бу корхонанинг оёққа туришидан кўнчилик хавотирда эди. Аммо раҳбарнинг омиқорлиги барча шубҳа-ғумонларга барҳам беради. Тез орада корхона қаддини тиклади. 1100 нафар яқин ёшлар иш ўрнига эга бўлди. Бир кунда бир ярим тонна ип қалава, 650-700 минг погон метр атрофида сури газлама ишлаб чиқариш қувватига

эга бўлди. Хар бир ишчи хизматига қараб, 25-30 минг атрофида маош олишга эришди. Бепул тушлик, узокроқ жойдан қатновчиларга автобус ташкили қилинди. Қарабасизки, «Иш иштаҳа очар...» деганидек, бир қатор ташаббускорлар ўртага чиқди. Натижада корхона қошида гиламчилик, зардўзлик ва мебеласозлик цехлари фаолият юрғата бошлади.

— 18 йилдан бундан буён шу ерда ишлаётган. Лекин ҳозиргидек имконият ҳеч бўлган эмас. Сабаби, кимки бугун

# ЁШЛАР ИШТИРОКИСИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎҚ

интернатда яратилган шaroитлар мисолда ҳам билдириш мумкин. Боиси, ўқувчилар туман ҳокимиятининг ёрдами билан тўғридан-тўғри Республика Тест марказига боргани, ўзларининг билимларини синнашмоқда.



Бовотлик ёшлар ташаббуси билан тайёрланаётган диван-курсилар

Уман ақлининг овирини энгил қилиш, янги иш ўринлари яратиш бу бизнинг асосий вазифамиз деб биламан. Аммо атрофда ҳамма сизни бирдек тушунмайди. Раҳбар бўлганингиздан сўнг тушунтира билишингиз керак. Кўпроқ ёшлар билан ишлашимизга уларнинг ҳаётга кўтаринки кайфият билан боқиши сабаб бўлган. Уларда куч-қувват бор, илм етарли, фақат йўналишга билангансиз бас. У ёнига аравани ўзлари тортади.

Ҳар ҳафтада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши раисини излаб, қилган ишларини сўраштираш бораман. Ҳамфикрликда режалар тузамиз, — дейди туман ҳокими Оллоберган ака.

Суҳбат якунида у киши бир сўзини алоҳида таъкидлаб ўтди. «Камолот»га эътиборсизлик, ёшлариз эса ривожланиш йўқ». Шундай экан, ёшларнинг ёш ташкилоти қаноти бўлаётган Оллоберган ака каби раҳбарларимиз сафи кенгайсин. Ана шунда юрғатимиз янада гуллаб-яшнашга шак-шубҳа қолмайди.

Руки материалларини Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ тайёрлади

масканларига берилаётган эътибордан ҳам билса бўлади. Кўпгина бовотлик ёшлар ўқишни орзу қиладиган Бовот маънавий касб-хўнар коллежини «Кичкина Оксфорд» деб ҳам айтиш мумкин. Энг сўнгги компьютер технологиялари билан жиҳозланган, барча қулайлик ва шарт-шaroитга эга бундай даргоҳнинг бунёд этилишини ҳатто хаёлимизга ҳам сиздирилмас эдик. Бугун эса бари кўз ўнгимизда ҳақиқатга айланган. Уларда тенгдошларимиз, ёш йиғит-қизлар тахсил олаётти.

Бундай илмий фикрнинг туман ҳудудида жойлашган Хоразм вилоят 3-сон лицей ёрдами билан тўғридан-тўғри Республика Тест марказига боргани, ўзларининг билимларини синнашмоқда.

— Туман ақлининг овирини энгил қилиш, янги иш ўринлари яратиш бу бизнинг асосий вазифамиз деб биламан. Аммо атрофда ҳамма сизни бирдек тушунмайди. Раҳбар бўлганингиздан сўнг тушунтира билишингиз керак. Кўпроқ ёшлар билан ишлашимизга уларнинг ҳаётга кўтаринки кайфият билан боқиши сабаб бўлган. Уларда куч-қувват бор, илм етарли, фақат йўналишга билангансиз бас. У ёнига аравани ўзлари тортади.

Ҳар ҳафтада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши раисини излаб, қилган ишларини сўраштираш бораман. Ҳамфикрликда режалар тузамиз, — дейди туман ҳокими Оллоберган ака.

Суҳбат якунида у киши бир сўзини алоҳида таъкидлаб ўтди. «Камолот»га эътиборсизлик, ёшлариз эса ривожланиш йўқ». Шундай экан, ёшларнинг ёш ташкилоти қаноти бўлаётган Оллоберган ака каби раҳбарларимиз сафи кенгайсин. Ана шунда юрғатимиз янада гуллаб-яшнашга шак-шубҳа қолмайди.

рида педагогик амалиётни ҳам ўташади. — Бунда талабаларимизнинг педагогик лаёқати ошиб боради, — дейди суҳбатимизда қўшилган бўлим мудири муовини Матлуба Холматова. — Ахир, биз

маънавий жиҳатлари, ислом дини ва ахлоқи, тафсири, ҳадиси, фикҳи ва калом илмлари, «Авесто» китоби, Имом ал-Бухорий ва бошқа таниқли диний алломалар мероси, ўзбек тили ва ёзуви, мумтоз ва замонавий адабиётимизда миллий-диний қадриятларнинг бадиий ифодаси ҳамда улардан ёш авлод тарбиясида фойдаланиш йўллари ёритилган. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг мустақиллик йилларида миллий-диний қадриятларимиз борасидаги сиёсати тўғри ва узокки қўзлаганлиги, у халқимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётганлиги асослаб берилган.

60 босма табоқдан ошқиб ушбу материалларнинг электрон диски ўқитишнинг замонавий технологияларини ҳаётга жорий этиш тамойилига тўла мос келади.

Хулқара УМАРАЛИЕВА

Кўшқўпир туманидаги «Газовот» маънавий касб-хўнар коллежи биносига кўзингиз тушиши биланок, бу илм даргоҳида ишлар қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўласиз ва ўйлайманки, бу тасаввур танишиш давомида ҳам сизни тарқ этмайди. Сабаби, коллежда таълим ва тарбия «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» мезонинда ташкил қилинган десак янглишмаймиз. Бундан ташқари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг коллеждаги бошланғич

# «ҲАЗОВОТ»ГА ҚЎНИБ ЎТИНГ

ташкilotи етакчиси саъй-ҳаракати ҳамда коллеж директори Саидназар Раҳимовнинг хайрихоҳлигида ёшларни ташаббускор ва ҳукуматимиз яратган имконият ва қулайликлардан тўлароқ фойдалантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилганки, кўрган киши қувониши турган гап. — Коллежимиз ҳам «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби эндигина бир ёшга тўлди. Унда 12 та мутахассислик бўйича 600 нафар талабага таълим берилади. Қўриғиб турибдики, ҳамма шароитлар етарли. Спорт, фан ва санъат тўғрисидаги фаолият юрғатапти.

Ҳар ҳафтада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши раисини излаб, қилган ишларини сўраштираш бораман. Ҳамфикрликда режалар тузамиз, — дейди туман ҳокими Оллоберган ака.

Суҳбат якунида у киши бир сўзини алоҳида таъкидлаб ўтди. «Камолот»га эътиборсизлик, ёшлариз эса ривожланиш йўқ». Шундай экан, ёшларнинг ёш ташкилоти қаноти бўлаётган Оллоберган ака каби раҳбарларимиз сафи кенгайсин. Ана шунда юрғатимиз янада гуллаб-яшнашга шак-шубҳа қолмайди.

рида педагогик амалиётни ҳам ўташади. — Бунда талабаларимизнинг педагогик лаёқати ошиб боради, — дейди суҳбатимизда қўшилган бўлим мудири муовини Матлуба Холматова. — Ахир, биз



Руки материалларини Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ тайёрлади

# ОЛИЙ ҲАМШИРАЛАР ТАЙЁРЛАНИМОҚДА



# ҚАДРИЯТЛАР МУЖАССАМЛАШГАН ДИСКЛАР

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан «Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши» номи электрон диск (CD) яратилди. У мактаб ўқувчилари, ўрта махсус ва олий ўқув юрғатари талабалари учун мўлжалланган.

Яратилган электрон дисклар келажақ авлодда ўзликни англаш, аждодларга ҳурмат, Ватанга садоқат каби муқаддас туғилуларнинг шаклланишига хизмат қилувчи энг тезкор ва ишончли воситалардан-дир. Бугун компьютер бўлмаган биронта ҳам олий ёки ўрта махсус ўқув юрти йўқ. Ҳаттоки ўрта мактабларда ҳам бир неча компьютерлардан иборат махсус синфлар ташкил этилган. Ўқувчилар талабаларнинг кўпчилиги бирон-бир соҳани мукम्मал эгаллашда электрон дисклар қоғоз китобларга қараганда анча ўнғай эканлигига амалда ишонч ҳосил қилмоқдалар. Бир томондан масофадан туриб ўқитишдек энг илғор педагогик технологиялар оммаланиб бораётгани, иккинчи томондан турли информацион хуружлар авж олаётган, баъзан эса ахборот алмашинув майдонларида росмана жанглр кетаётган ўта масъулиятли даврда биронта ҳам олий ёки ўрта махсус ўқув юрти йўқ. Ҳаттоки ўрта мактабларда ҳам бир неча компьютерлардан иборат махсус синфлар ташкил этилган. Ўқувчилар талабаларнинг кўпчилиги бирон-бир соҳани мукम्मал эгаллашда электрон дисклар қоғоз китобларга қараганда анча ўнғай эканлигига амалда ишонч ҳосил қилмоқдалар. Бир томондан масофадан туриб

# FARMON VA IJRO

Етакчи хамшира деб аташ кўзда тутилган

фақатгина касалхоналар учун кадрлар тайёрлаш билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Мақсадга эришмоқ учун бу йўлда дуч келинадиган ҳар қандай тўсиқларни энгил ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Фақат ҳаракатгина инсонни катта мақсадларга олиб чиқади. Бўлажак олий хамширалар эса ҳар лаҳза ҳаракатда, изланишда...

— Бу йил ўқишни битираман, — дейди учинчи курс талабаси Лайло Фафурова. — Шу уч йил давомида жуда кўп нарсаларни ўргандим. Дарсдан сўнг касалхоналарда амалиёт ўтадим, тунги навбатчиликда ишладим. Олдин беморлар билан ўзлашганимда кўпроқ бироз халқимиз, ҳозир баяз бўлса-да, тажрибам ошган. Беморларга хамширалик ташхисини қўя оламан. Уч йиллик тахсилим бекорга кетмаганига амин бўляман.

— Мен биринчи курсда ўқиялман, — дейди Гулруҳ Отамуродова. — Тиббиёт коллежида ўқиб юрганимда бу ўқув юрти ҳақида жуда кўп эшитгандим. Ўқишга қабул қилиндим-у, тасаввурларим ҳақиқатга айланганининг гувоҳи бўлдим. Бу ерда олий малакали мутахассислар, профессорлар, фан номзодлари дарс беришади. Талабчан устозлардан тиббиёт сирларини ўрганапмиз. — Бундан ташқари амалиёт ўташ учун институтимизнинг махсус касалхоналари мавжуд, — дейди I-курс талабаси Шухрат Нёъматов. — Беморлар билан учрашамиз. Касаллик тарихини ўрганапмиз. Тўғриси, ушбу бўлимда ўқиётганимдан хурсандман. Келажақда ушбу даргоҳда олган билимларимни мустаҳкамлаб, халқ табobati йўлида муносиб ўрнини эгалламоқчиман. Шу ўринда яна бир бахсли муаммога дуч келдик. Олий хамширалар тайёрлаш бўлимида атиги иккита йиғит тахсил оларкан. Уларни етакчи хамшира сифатида тан олиш ёки хамшира номи билан аташ тўғри келармикан? Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бўлим маъмурияти бу масалани қўйдиғача ҳал қилди: бўлим битирувчиларига олий хамширалик иши бўйича бакалавр мутахассиси деган диплом берилиши келишиб олинди. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидламоқчиманки, мутахассис қандай аталмасин, ундан қуруқ ном-у, шон эмас, балки билим, заковат талаб қилинади. Айна пайтда жаҳонга юз тутиб, Япония, Исроил давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатаётган бўлим жамоаси янги асрда янги йўналишларни кашф этмоқда. Эртага долаш мутасассаларида, оилавий шифохонларда олий маълумотли хамширалар иш юрғатади, аҳоли саломатлиги учун хизмат қилади.

Зиёда АШУРОВА, «Turkiston» муҳбири

# ЎЗИНГНИ СИНАБ КЎР



**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази, Ўзбекистон Бадий Академияси, "Усто" ижодий-ишлаб чиқарувчи бирлашмаси, "Хунарманд" уюшмаси ҳамкорликда шу йилнинг 10-14 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Халқ амалий санъати усталари ва хунармандларининг Республика кўргазмасини ўтказишди. Шу муносабат билан муҳбиримиз Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази раҳбари ўринбосари, Ўзбекистонда Хизмат кўрсатган маданият ходими УЎТКР ТОҲИРОВА билан учрашиб, ўтказилаётган кўргазма ҳақида гапириб беришни сўради.**

—Мазкур кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган халқ амалий санъати усталари, хунармандларнинг ижодий изланишларини янада камол топтириш, уларнинг ижодий ва касбий маҳоратларини оширишга қўмаклашиш ҳамда тарғиб қилишдир. Бу кўргазма орқали ёшларни мазкур санъат турларига ва касб-хунарга бўлган қизиқишларини уйғотиш, устоз ва шогирд анъаналарини давом эттириш, уларнинг маънавий-ижодий даражасини оширишга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Кўргазма икки босқичда ўтказилади, унда мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ва қишлоқларида номлари ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган ёш истеъодли халқ амалий санъати усталари — наққошлар, ганж ва ёғоч ўймакорлари, гиламдўзалар, зардўз-каштачилар, мусийки асбоб усталари, дўппидўз-чеварлар ҳамда хунармандлар: қуллолар, чилангарлар, заргарлар, мисгарлар, қосиблар, сандиқсозлар, пичоқчилар, термичи усталарнинг яратган асарлари намойиш этилади.

Она-Ватаним, меҳр-муҳаббатим, меҳнат ва мустақилликни тараннум этувчи ҳамда бой миллий меросимиз, қадимий

анъаналаримиз ва кадр-ятларимизни ўзида акс эттирган, устоз-қарияларимизнинг қадр-қимматини, улкан ҳаёт йўллари-ни ифодаловчи асарлар билан қатнашиш кўргаз-манинг асосий шартлари-дан биридир.

Мазкур кўргазманинг иккинчи босқичида иштирок этувчи муаллиф-ларнинг асарларига баҳо бериш учун мутахассис-лардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати ташкил этилди ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича ташкилий қўмита тузилди.

Республика кўргазма-сида ғолиб деб топилган ижодкорлар ҳакамлар ҳайъати ва ташкилий қўмита аъзолари томони-дан 2002 йилнинг 10 майига аниқланади ҳамда Ўзбекистон Респуб-ликаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази, Ўзе-бекистон Бадий академия-си, "Усто" бирлашмаси ва "Хунарманд" уюшмаси, ҳомийлар ва тегишли ташкилотларнинг I, II, III даражали дипломлари, фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Кўргазманинг яқиний натижаси турли омвий ахборот воситалари ҳамда Ўзбекистон телерадио-

## СЕРГЕЙ ЛУШАН:

# «ТЕРМА ЖАМОА САФИДА ТЎП СУРИШНИ ШАРАФ ДЕБ БИЛАМАН»

Сергей Лушан номи мамлакатимиз футбол муҳлисарига яхши таниш. У миллий терма жамоамизнинг ЖЧ-2002 саралаш ўйинларидаги учрашувларида ўзининг ажойиб ўйинлари билан ишқибозлар ва мутахассисларимиз олқишга сазовор бўлган. Ҳозирги вақтда Россия олий дивизиондаги "Ростсельмаш" футбол жамоасида тўп сураётган 28 ёшли тажрибали ҳимоячи бўлган суҳбатни қуйида эътиборингизга ҳавола қиламиз:

— "Ростсельмаш" учун ўтган йил омад-сиз келди...

— Тўғри, чемпионат биз учун омадсиз туғган бўлса-да, лекин янги мавсумни ҳам "жавобсиз серия"-лар билан ўтказмай иложи борича юқори ўринлар учун курашиш-ни мақсад қилиб олганмиз. Таркибимизга бир қанча ёш, тажрибали футболчи-лар таклиф қилинган.

— Биласизми, сиздан кўпинча омад юз ўгиради. Топган тўпингиз гоҳ тўсинга тегади, гоҳида устун ёнидан ўтиб кетади. Гоҳида эса киритган тўпингизни ҳакам инобатга олмайд...



— Менинг вазифам тўп киритиш эмас, балки рақибни тўп билан ўтказиб юбормаслиқдир.

— Сизнинг Россиядаги биринчи жамоангиз Находканинг "Океан" клубидир. Сиз иссиқ ўлкадан иклими совуқ мамла-катга кетишдан чўчимадигизми?

— Мен харбий хизматдан тўғри Находкага боргандим. Шунинг учун унчалик хавфсизаман. Лекин футболни жуда соғингандим. Чунки харбий хизматга кетишдан олдин Тошкент вилоятининг "Металлург" жамоасида ўйнаганман.

— Сиз ҳозирда жамоанинг бир қанча ҳужумларига ўз ҳиссанингизни қўшаёсиз. Қуйидан юқорига интиляёсиз. Бошқа

кўрсатишган бўлишса, иккинчи даврага келиб эса болаларда муаммолар пайдо бўлди. ЖЧ—2002 га қатнашиш учун Хитой 2-3 йилдан бери тайёрланиб келаётган бўлса, биз учрашувдан бир ҳафта олдин йиғилдик, холос.

Агар йиғинлар мuddатда ўтказилганда ва асо-сий ўйинларга жиддий ҳозирлик кўрилганда, балки биз ҳам "кунчиқар юрт" майдонлари-да тўп сураими-дик?!

— Бу йил терма жамоа бирор бир халқро учрашу-ларга қатнашди-ми?

— Октябрь ойида Жанубий Кореяда Осие Кубоги ўйинлари бўлиб ўтади. Лекин бу турнирнинг "Рост-сельмаш"га таъси-ри бўлмайди. Чунки ўша вақтда клуб таътилда бўлади.

— "Интертото" кубогида Франциянинг "Осер" жамо-асига қарши тўп суришга муваффақ бўлдингиз, терма жамоамиз сафида эса Осиенинг бир қанча терма-ларига қарши ўйнагансиз. Сизнингча, Осие билан Европа футболнинг фарқи қандай?

— Европа кучли, лекин Осие ҳам кейинги йилларда жуда тез ривож-ланмоқда. Япония, Жанубий Корея, Хитой... илгари биз уларга бештаб тўп киритардик. Ҳозир эса бизни утишмоқда.

Алижон МУҲИДИНОВ ва Нурбек РАҲАБОВлар суҳбатлашди

## ОУНАДАН О'РКАЛАМА

Қонун талаблари қўпол равишда бузилмақда

"Пул қўлинг кири", дейишди. Аммо аксарият кишилар ўша "кир"ни бир ой интизорлик билан кутишди. Одатда, маош берилмагандан кун аниқ бўлади. Шунга қараб чўт олинади. Аммо белгиланган кунни ҳам, ундан кейинги кунлар ҳам, маошдан дарак бўлма-са-чи? Кўпчи-лик бу саволга бирор жўяли жавоб беролмаслиги аниқ. Бироқ "Бу амалдаги Меҳнат қонунчилигини қўпол равишда бузиш, Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақининг ўз вақтида тўлани-ши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгар-лигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросига бармоқ орасидан қарашдан бошқа нарса эмас, дейдиганлар, албатта, топилади. "Тошкентпахтасано-ватсотиш" худудий акция-дорлик бирлашмаси тизи-мидаги корхоналар ҳақида шундай дейишмоқда.

Ўтган йили бирлашма корхоналари вилот ҳўжа-ликларидан 280 минг тоннага яқин пахта қабул қилиб олди. Ун минглаб ишчилар хомашёни ўз

сўмлик иш ҳақини ўз вақтида тўламаган. —Ўзбекистон Респуб-ликаси Меҳнат Кодексининг 154- ҳамда 161- моддалари талабларига мувофиқ, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар, ходимларига бажарган иши учун меҳнат ҳақини белгиланган миқдорда ва мuddатда тўлаши лозим. Бунда иш ҳақи тўлаш ҳар ўн

# НЕГА МАОШ ВАҚТИДА БЕРИЛМАГАН?

Афсуски, бунга жўяли жавоб топиш мушкул

вақтида қайта ишлаб, олинган толали тўқимачи-лик корхоналарига, шунинг-дек, хоржий истеъмолчи-ларга етказиб берди. Бироқ улар бажарган ишлари учун вақтида ҳақ олаётгани йўқ.

Тошкент вилояти проку-ратураси ходимлари томонидан ўтказилган текширувлардан сўнг бирлашма тизимидаги корхоналар ўз ходимлари-дан наҳд 444 миллион сўм қарздор эканлиги маълум бўлди.

Республика пахта саноа-ти корхоналари орасида Янгийўл туманидаги "Ян-гийўл пахта тозалаш корхонаси" ҳиссадорлик жамияти энг замонавийси саналади. Бултур бу ерда йигирма бир минг тоннага яқин хомашё жамғарилди. Бир кеча—кундузда улар-нинг 130-140 тоннаси қайта ишланади. Олинган тола-нинг асосий қисми Фран-ция, Англия, Жанубий Корея, Россия каби давлат-ларга экспорт қилинди. Корхона 2000 йилда 7.5 миллион сўм, ўтган йили эса 20 миллион сўм соф фойда кўрди. Аммо бу фойдани завод ишчилари кўраётгани йўқ. Корхона раҳбари А.Ўзбеков, бош ҳисобчи Т. Абдуллаев жамоанинг 345 нафар аъзосига 2001 йил ноябрь-декабрь ойлари учун белгиланган 207 миллион сўмлик иш ҳақини тўлашни турли баҳоналар билан орқа суриб келган. Шу жамият қошидаги "Тўқима-чи—Р" шўъба корхонаси ҳам бу борада улардан ортда қолмай, 53 нафар ишчининг ҳақини бериши асоссиз равишда кечиктир-ган.

беш кунда камда бир марта амалга оширилиши керак, — дейди вилот прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори Рустам Маннонов. — Афсуски, вилотнинг қатор ҳўжаликларида ҳам қонун-чиликдаги мазкур талаблар қўпол равишда бузиб келинаётир.

Қуйи Чирчиқ туманида-ги Мирзо Улугбек номида-ги ширкат ҳўжалиги, Маши-на-трактор парки, Тош-кент туманидаги "Тош-кент", Собир Раҳимов, Ҳасанбой, Тўлабий, Ф.Умаров, Ф.Абдуллаев номидаги, Янгийўл туманидаги "Қовуничи", "Янги-ҳайт" ҳўжаликларини бунга мисол қилиб келти-риш мумкин. Мирзо Улугбек номидаги ҳўжалик ноябрь-декабрь ойлари учун иш ҳақидаги 9,6 миллионлик Собир Раҳи-мов номидаги ҳўжалик 3,5 миллионлик Ҳасанбой ҳўжалиги 4,2 миллион сўмлик қарз бўлиб, Бўка туманидаги "Қашқадарё", Улугбек, Б. Умаров номи-даги ҳўжаликларда ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ қонун бузилишла-рига йўл қўйилган.

Текширишлар натижасига кўра, қонун бузилишига йўл қўйган 36 та корхона ва ҳўжаликнинг раҳбар ва бош ҳисобчилари маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, жойлардаги прокуратура идоралари ҳам шу масалани ўрганиб чиқиб, 56 та пахта тозалаш корхона-си ва ҳўжаликларнинг боқибғам 93 нафар раҳба-ри ва бош ҳисобчисига нисбатан маъмурий чора кўрди.

Шу ўринда бизни бир нарсга ўйга толдиради. Нимага миллион-миллион-лаб фойда кўраётган пахта тозалаш корхоналари ходимларига маош бери-ши кечиктириб келган? Уларнинг "Маблаг йўқ" дея баҳона қилишларига нима мажбур этмоқда экан?

Неъмат ДУШАЕВ

## SENING TENGDOSHING

# САНЪАТГА ШАЙДО ЙИГИТ

Элёрбек МАМАТОВ — Глиэр номидаги Респуб-лика ўрта махсус мусиқа мактабининг 10-синф ўқув-чиси. Ажойиб, ширали овози уни Фарона вилотидан Тошкентга етказиб келди.

Кўшма ҳавас болалигиндан бошланган. Уч ёшдан оқ халқ ашуларини хиргойи қила бошлаганди. Илк бор Ўзбекистон тумани-да бўлиб ўтган мусиқа танло-вида қатнашган Элёрбек биринчи ўринга сазовор бўлди, шу-шу санъатга меҳр қўйди.

Айни пайтда у таҳсил олаётган мусиқа мактабида иктидорларини қўлла-куватлашди. Шу боис ҳам, ушбу мусиқа мактаби нафа-қат республика миқёсидаги, қолаверса, дунё миқёсидаги кўрик-танловларда ўз ўқувчилари билан қатнашиб, фахрли ўринларни кўлга киритиб келмоқда.

1997 йилда мусиқа мактабида ўтказилган танловда Элёрбек яқна хонадалик шарти бўйича биринчи ўринни кўлга киритди. Унинг бундай ютуқларга эришишида устозлари Фанна Усатова, Ольга При-ходьколарнинг ҳиссаси каттадир.

— Элёрбек ўқувчиларимиз нчада энг истеъодли-ларидан, — дейди устоз Ольга Приходько. — У қанча танловга қатнашган бўлса, барчасида муваффа-қият қозониб, йнгилаганларини ло қолдирган.

Элёрбекининг келажакдаги орзулари талайгина. У ва суйган санъаткор бўлишни юрак-юракдан истади. Вақти келиб мусиқа салтанатида яна бир санъаткор-нинг юлдузи порлашига шўба йўлди.

Ҳилола АБДУРАЗЗОҚОВА

Яқна тартибдаги тадбиркор Абдусаматов Рихсатилла Ҳабибулла-евич номига берилган №0520421 рақамли савдо гувоҳномаси йўқол-ганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетини қошидаги мах-сус гимназия мактаби томонидан Ишонқожаев Шероод номига 2001 йилда берилган О'Р-З №482646 рақамли таъин маълумот тўғриси-даги гувоҳнома йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утераний гос.ордер №1001/20740 от 5 июля 1993г. права соб-ственности Исмаиловой Рахимы Юлдашевны на квартиру СЧИТАТЬ НЕ ДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент шаҳар Ҳамза туман ҳокимлиги томонидан Ашуров Одил Сатторович номига 2000 йилда берилган № 07111900 рақамли яқна тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи сав-до гувоҳномаси йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЧФ "Янбек" Сабир Раҳимовского района город Ташкента код ОКПО 16408179 ликвидирован. Претензии принимаются в течении одного месяца со дня опубликования объявления. Тел. 48-24-72

# ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЎН ҚОИДАСИ

(Давоми, боши ўтган сонларда)

## Боғловчилик функцияси

ОА воситалари мамлакатдаги сиёсий ташкилотлар, касба уюшмалари ва жамоатчилик ташкилотларининг ички ва ўзаро алоқаларига ёрдам беришлари зарур.

Бу айтилганларнинг ҳаммасини мутлақо ҳақиқат деб айтиш қийин. Мисол учун, охириги бандда айтил-ган қоида — ОА воситалари турли ташкилотлар ва партияларнинг ўзаро ахборот алмасувларига хизмат қилиши тўғримики? Тўғри, корхона ходимлари учун, партия ва касба уюшмаси аъзолари учун ахборот бериш туровчи матбуот нашрлари ҳам бор. Аммо бу нашрлар ўз ташкилотлари, корхоналари раҳбария-тига қарам ҳолда бўлиб, эркин матбуот нашр-лари каби мустакил эмаслар. Ана шу ички на-шрнинг вазифалари ҳам мустакил журналистика нашрлари вазифасидан фарқлидир.

Яна баъзилар айтадики, ОА воситаларининг асосий вазифаси ўз эгаларига даромад келтиришдан иборат. Мисол учун, коммерция (реклама) телеканаллари биринчи галда реклама берувчи корхона, ташкилот-ларга иложи борича кўп тингловчи (харидор) йиғиб беришдан иборат, аммо бошқа жиҳатдан, иқтисодий даромад олишга интилишни жиддий журналистикага алоқаси йўқ, дегувчилар мутлақ ҳақлимизми?

Матбуот, ОА воситаларининг баён қилиш (ахборот бериш), шарҳлаш ва назорат қилиш вазифалари ўзаро зиддиятлашиб ҳам қолади. Бир муҳбирнинг ўзи амалда мана шу учала вазифани бир вақтда бажарол-майди. Аммо, ҳар ҳолда журналистнинг вазифалари — текшириш, хабар қилиш, шарҳлаш деб айтиш тўғри-роқдир.

## Текшириш

Журналистиканинг назоратчилик функцияси шун-даки, муҳбирлар (ҳукумат халқ манфаати учун белги-лаб қўйган яхши ишларни вақтида бажармай, ваъда-ини бузаётган одамларни, турли фиска-фасод, яғво, қонунбузарликларни фоти эшити зарур. Шу маънода журналистика сиёсий тузилмаларга, саноат корчолон-ларига ва ташкилотларига рақобатчи бўлиб қўринади. Швецияда ОА воситаларини (парламент ва ҳукумат-дан кейинги) учинчи ҳокимият деб атайдилар. Бошқа кўпчилик мамлакатларда матбуот — журналистикани туртинчи ҳокимият дейдилар.

Жамият ва давлат фаолиятидаги қонунбузар-ликларни, мансабларни суиъстемол қилган одамларни фоти этиб туриш демократия фойда-сига хизмат қилади (аслида шунинг ўзи мамла-катда демократия борлигини, қонунлар олдида барча фуқаролар ва мансабдорлар тенглигини кўрсатади.) Журналистларнинг назорат қилиш, камчиликларни фоти қилиш функцияси демокра-тия мавқеини, кучини оширади. Турли можаро-ларни фоти этиш мамлакатда вазиетни юмшатади (яъни, халқ ўзига ёмонлик қилаётганлар фоти этилганини кўрса, эшитса — кўнгли тинчиди, норозилиги камаяди.) Баъзи амалдорлар ва сиёсатчилар матбуотда ёки телевиденида фоти этилишидан қўрққани учун кўп ҳолларда суиъстем-оллар, махфиятчи-фирибгарликлар, қонунбу-зарликларнинг олди олинади. Одамларнинг матбуотда, радио ва телевиденида ноҳақлик-ларини фоти этиб чиқишлари, баъзи ҳолларда ўз номини айтмасдан фоти этишлари — демократия-нинг асосий қуролларидан биридир. Турли можаролар ва фоти этишлар кўпчиликда ноҳуш кайфият уйғотса ҳам, давлат ва жамия-тдаги турли ташкилотларнинг фаолиятини мустакил текшириб туришчи матбуот, ОАВ борли-ги — жамият ҳаётида демократиянинг асосларини ташкил этади.

Танқидий руҳда қаровчи муҳбир кимлардир яши-риб қолмоқчи бўлган нарсаларни очинга ва халққа кўрсатишга интилади. У ҳўжақўрсинга иш қилувчи, баландпарвозлик билан "ишлар зўр" деяётган одам-ларнинг гапларини ҳақиқий аҳволга таққослаб кўради. Мисол учун, мактаб директори муҳбирнинг болаларга тушлик овқат учун ажратилган маблағларнинг камай-тирилиши болаларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатмайдими, деган саволига "Биз ҳозир ҳам болаларга аввалгидай сифатли тушлик таомлар бераёмиз", деб мактабда. Муҳбир бу гапга ишон-майди. У (директорга билдирмасдан) ўқувчиларнинг ўзидан, врач-физиологдан, ошхона ходимларидан далил сўрайди. Директорнинг сўзларини инкор этувчи далилларни топади. Буларни текшириб, сабаб ва оқибатларни ўрганиб чиқади.

Аммо фоти этишчи материалларни беришда ҳам журналист энг муҳимларини ажрата билиши керак. Газеталарда ва телеэкранларда берилаётган жуда кўп жанжалли ва сенсацион ахборотлар аналитик материалларни, қизиқарли хабарларни қисиб чиқар-моқда. Баъзи журналистлар мансабдорларнинг турли суиъстемоллари ва хатоларини кўрсатишга берилиб кетиб, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига юз бераётган муҳим воқеаларни ёритолмай қолмоқда-лар. АҚШ матбуотида Оқ уйдаги можаро, Билл Клинтон билан Моника Левински ўртасидаги ишқий сарғушашт хаддан зиёд пуфлаб кўтарилгани оқибати-да жамият ҳаётидаги бошқа муҳим воқеалар эътибор-дан четда қолиб кетди.

## Баён қилиш шакли

ОА воситалари фақат камчиликларни, ноҳақликлар-ни фоти этиш билан чекланмай, мамлакатда ва дунёда бўлаётган барча муҳим янгиликлар билан халқни таништириб бориши зарур. Муҳбир ўз ўқувчи-лари, тингловчилари, томошабинларига ахборот беради:

— Бугун маҳаллий ҳокимият фалон қарорин қабул қилди...

— Кунни кеча маҳаллий сиёсатчилар билан ишби-лармонларнинг учрашуви бўлиб ўтди...

— Эрта тонгда фалон кўчадаги фалон уйда ёнгин чикди.

Ахборотчи муҳбирлар "Олтин қалам" нишонига ёки тафтишичи Журналистлар Ассоциацияси таъсис этган "Олтин қалам" мукофотига қамдан-қам сазовор бўладилар, шунга қарамай, ахборотчи муҳбирларнинг иши жамият учун жуда муҳимдир. Шуларнинг хабар-лари орқали фуқаролар жамиятда, мамлакатда содир бўлаётган янгиликларни билиб борадилар. Аммо парламентда муҳомада, баҳс, мунозара қилинган кўпдан-кўп масалалар ҳақида соғуқ, расмий хабарлар бериш билан чекланувчи муҳбирлар журналистика-нинг назорат қилиш функциясини эсдан чиқариб, ўз ишларини жуда жўнаштириб оладилар. Булар жиддий камчиликларни текшириб, фоти этиш ўрнига, фақат бўлиб ўтган воқеаларни гапириб бериш ва шарҳлашга берилиб кетадилар. (Ҳолбуки, муҳбирлар-нинг фаолияти серқирра бўлиши унга обрў ва шўхрат келтиради.)

(Давоми бор)

Таржимонлар: Фарҳод РЎЗИЕВ, Абдуқоюм ПАРДАЕВ

# ИЛМ БЕБАХО, БИРОК...

Ривоят қилишларича мадраса толиби пулсиз шаҳар кезаркан, бозордаги турли кийим-кечаклару, лаззатли озиқ-овқатлар йигитнинг ақлини шоширди. Хаёлида кийимлар эғида, мазали таомлар товоғида жонланарди. Юриб-юриб кўзи "Хаммом" деб ёзилган бинога тушди. Ойлаб ювинмагани эсига тушиб, ёнида пули йўқлигини ҳам унутиб ичкарига кирди. Кейин эсига тушиб "Ахир, мадраса толибиман, яъни илм ўрганувчи. Хеч бўлмаса, бир марта чўмилишимга рухсат беришар, ҳолимни тушунтираман" деган ўй уни ичкарига бошлади. Салом-алиқдан сўнг йигит мақсадини айтди. Текин хаммом ихтиёр этган илм толиби, хаммом эгасининг жаҳлини чиқариб, ҳатто кулгисини ҳам кистатди.

Хаммомдан ювина олмай чиққан шоғирд тўғри устози эғига борди. Воқеани тушунтириб: "Мен ўрганаётган бу илм ҳеч бўлмаса, хаммомга бир марта кириб чўмилиб чиқишимга ҳам арзимайди. Сиз бўлса, уни "бебаҳо" деб баҳоладингиз. Хеч кимга керак бўлмаган бу илмни бошимга ураманми? Мадрасадан кетаман", — деб ҳафа бўлди.

— Шунчаки,— деди вазишлик билан устоз — Майли, агар истасанг, мадрасани тарк этишинг мумкин. Лекин илтимосим бор. Эртага сенга бир тош бераман. Уни эгэр ясайдиган хунармандларга олиб бор. Сураб билгин-чи, эгарчилар бу тошни қанчага сотиб олишаркин? Билим олиш учун кетказган вақтинга пул тўламоқчиман. Сўнг тошни қайтариб олиб кел.

Эртасига эрталаб тошни олиб борган илм толиби бир мuddат уларнинг ишларига ҳайрат билан тикилиб қолди. Сўнг мuddасини аңглатди. Тошга узоқ тикилган эгарчи қошларини чимириб, гоят совуққонлик билан уни йигирма танга баҳолади.

— Устозинг ҳурмати унга йигирма танга бериш мумкин. Ундан ошағи кўп.

Шоғирд тошни устозига қайтарди. Воқеани ҳам сўзлади. Устоз шоғирдининг қўлидан тутиб, унга яна илтимос қилди:

— Тошни энди зарғарлик дўконига олиб бор. Қани бил-чи, у тошни қанчага баҳоларкин? Йигит тошни айтилган жойга элди.

Тошни кўрган дўкон эгасининг кўзлари порлади: "Хўш, йигитча, молинг учун қанча пул сўрайсан? Мана бу растадаги олтинларнинг хаммаси сеники, етадимми?"

Индамаган йигитнинг ҳолатидан шошиб қолган дўкондор тезгина гапларига қўшимча киритди: "Хўп, хўп, майли пастки қават растадаги олтинларни ҳам ол".

Кечаги йигирма тангалик тошни бу одам бунақанги баҳолашидан шошиб қолган йигитнинг тили танглайга ёпишиб қолгандек эди.

— Молининг баҳосини биларкансан-а! Вой кўрмагу-эй, кўп дўконининг калитини берсам, рози бўласанми?"

Йигит рози бўлиши мумкин эди, бироқ устозига тошни яна қайтариб бериш кераклигини эслади. Йигит ҳеч нарсасга тушунмади. Келиб воқеани устозига сўзлаб берди. Устоз маъноли бош қимирлатиб, йигитга шундай деди:

— Айт-чи нега йигирма тангага баҳоланган бу тош учун зарғар бутун бошли дўконини бермоқчи бўлди? Ха, зарғар тошнинг ҳақиқий қийматини билди ва унинг эвазига борини бермоқчи бўлди. Эгарчилар эса тошга қизикмадилар. Бу ҳолат сенинг хаммомчи билан бўлган мулоқотинга ўхшайди. Илм — зумрад каби бебаҳоdir. Фақат, афсусли томони сен уни хаммомда пулламоқчи бўлибсан...

Шоғирд Устоз сўзларининг маъносини аңглаб, уятдан қизарди.

Клара ТОЖИБОЕВА

Сир эмаски, кейинги йилларда томошабин "сийрак" даргоҳлар мақомини олган театрларимиз бугун яна муҳлисларини бағрига олмоқда. **Ўзбек Миллий академик драма театри-мизда намоиш этилаётган сахна асарларига оқиб келаётган томошабинларни кўриб, эндиликда "Нега театрларда томошабин йўқ", деган саволни кўтариб юриш ортикча бўлса керак, деб ўйлаймиз.**

**Шундай бўлса-да биз турли соҳа вакилларининг театрга бўлган муносабатини билишга ҳаракат қилдик.**

**Расулжон ҲАКИМОВ, тadbиркор:**

— Мен театрга боришга вақт топаман. Кўпроқ замонавий мавзудаги асарлар, жиддий сахна асарларига тушаман. Миллий академик драма театрининг эса ҳар бир премьерасини қолдирмасдан кўришга ҳаракат қиламан. Яқинда тайёрланган "Усмон Носир" асари менга жуда ёқди. Усмон Носирнинг барчага ибрат бўлишига арзигулик қилиб тасвирлангани, айниқса, таъсирли чиққан. Истеъдодли актёр Фатхулла Маъсудов ҳам бу ролни маромига етказиб ўйнабди.

**Азиза ОРИПОВА, талаба:**  
— Театр дам олиш маскани бўлиши керак, деб ўйлайман. Чунки турмуш юмушларидан биров чарчаган театрга тушганида яйраб дам олгиси келади. Шунинг учун ҳам назаримда "Суперкайнона", "Қаллик ўйини", "Чимилдик" спектаклларига доим томошабинлар кўп келади.

**Абдумўмин Солиев, 35**



# ТОМОШАБИН ТЕАТРГА НЕГА ТУШАДИ?

**ёшларда:**

— Мен Марғилондан атайлаб "Қаллик ўйини" спектаклини кўриш учун келдим. Тўғриси айтсам, уч кунгача чипта тополмадим. Томошабинларнинг бунчалик театрга интилишларини кўриб хурсанд бўлдим. Асар менга ёқди, комедия орқали ижтимоий фикр айтишга эришилган. Қолаверса, унутилаётган миллий урф-одатларимизнинг бир қанчаси бу асарда ўз аксини топган. Дилбар Икромова, Тохир Саидов, Фарҳод Абдуллаев, Муқаддас Холиқова каби санъаткорлар маҳоратига тан бериш керак. Вилоят театрларида ҳам шундай асарлар қўйилса

яқши бўларди.

**Мавлудахон Собирова, ўқитувчи:**

— Мен Андижондан келганман. Пойтахт театрларига тушдик,

кўрдик. Менимча, бугун театрларимизда жиддий бўлмаган асарлар "улоқ"ни олиб кетаётгандай туюлади. Баъзи асарлар ҳаддан зиёд тор мавзуларни

қамраган. Аслида театр томошабини тарбиялаши керакми ёки томошабин белгиланган йўлдан юриш керакмикин? Назаримда, томошабиннинг орқасидан эргашиб кетаётгандекмиз.

**Фаррух Абдурахмонов, магистрант:**

— Мен кўнгилочар асарлар томошабини ушлаб туриш юзасидан ҳам керакмикин, деб ўйлаб қоламан. Шу ўринда,

Миллий театрининг бир неча йилдан бери намоиш қилинаётган "Чимилдик" асарини айтиш мумкин. Томоша залида ўтириб ўзингиз билмаган ҳолда асар воқеаларига аралашиб кетгандай бўласиз, бир ярим, икки соатнинг қандай ўтганини сезмайсиз ҳам.

**Назира Долиева, шифокор:**

— Мен Мўқимий театри спектакллари ичида "Алпомишнинг қайтиши", "Ўлдинг, азиз бўлдинг" каби асарларни мириқиб томоша қилдим. Лекин "Суперкайнона" томошаси, тўғриси айтсам унчалик ёқмади. "Одамлар тушяпти, тўғриси айтсам унчалик ёқмади. "Одамлар куляпти" деб ҳар нарсани ҳам сахнага олиб чиқиш тўғри бўлмаса керак.

**Абдурахим Аҳмедов, ижодкор:**

— Мен кўпчилик театрларимизни бир-бири билан таққослаб кўраман, спектакллари солиштираман. Ҳар бирининг ўрни ўзига хос ва бетакрор. Лекин бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Кўпчилик театрларимиздаги жиддий, фалсафий асарлар кам намоиш этилаётгандай туюлади. Баъзи театрларимиз пештоқига кўпчилик "Театр жамоаси сафарда" деган ёзув осиб қўйилади. Буни қандай тушуниш мумкин.

**Зухра Бобоҳўжаева, талаба:**

— Яқинда Ўзбек тили маркази қошидаги "Мерос" урф-одатлар театри томонидан намоиш этилган "Заҳрали томчи" драмасини кўрдим. Тўғриси, оддий хаваскор ёшлар иштирокида ҳам шундай спектакллар тайёрлаш мумкинлигига ишониб қийин. Гиёҳвандликка қарши кураш асарининг бош гоёси қилиб

олинган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қаҳрамон Саъдуллаев режиссерлигида тайёрланган спектакль Ўзбек Миллий академик драма театри сахнасида илк бор намоиш этилди. Менимча, шундай халқ театрлари кўпроқ тузилса ва ёшлар кенгрок жалб этилса, яқши бўларди.

**Ботир Сатторов, талаба:**

— Авваллари "Шуқур Бурҳон ўйнабди" ёки "Зайнаб Садриева ўйнабди", деган гап тарқалса, вилоятлардан муҳлислар келиб, ҳафталаб навбат кутиб, спектакли томоша қилишган экан. Мен ҳам театрга айнан Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ижро этган ролларни кўриш учун тушаман, деб айтишим мумкин. Бу актёр ижросидан улуг актёрларимизнинг нафаси келиб туради. Лекин Эркин Комилов бош ролни ижро этган "Уфк" спектакли негадир кам намоиш этилмоқда. Яна мен севган Ҳожиакбар Нурматов, Ёдгор Саъдиев каби актёрлар нима сабабандир театр сахнасида кўринмай қолишди.

**Гулида Шодиева, талаба:**

— Театрга вақт топганда тушаман. Ҳозир телевидение, кинофильмлар орқали ҳам кўп нарсаси олма бўлади. Ундан ташқари, "Ёшлар театри" бор-йўқлигини кўпчилик тенгдошларимиз билишмайди ҳам. Театрларга тарғибот ҳам керак, менимча.

Кўришиб турибдики, қарашлар хилма-хил.

Албатта, бу ҳақнинг ўз нуқтаи назари. Биз уларнинг бирортасини тўғри деб айтишдан йироқмиз. Максатимиз ёшларнинг бугунги театрга бўлган фикрини билиш эди. Буни қанчалик урдаасидан чиқдик ё йўқ, бу сизга ҳавола.

Эҳтимол, сизда ҳам театрларимиз ва уларда намоиш этилаётган сахна асарлари ҳақида фикрлар бўлиши мумкин. Марҳамат, манзилимизга юборинг.

Зеро, кўпчиликнинг фикри аниқ ва тиниқ тасаввурга эга бўлишга замин ҳозирлайди.

**Хуршидбек РЎЗИЕВ тайёрлади**

## ТУГМАЛАР ТАРИХИДАН

Инсон кўрқига-кўрқ қўшиб турувчи либослар тугмалар билан аҳамиятли ҳисобланади, албатта. Лекин тугма пайдо бўлувчи одамлар бу эҳтиёжни қондириш учун бошқа воситалардан фойдаланишган. Жумладан, аввал илма тугма мавжуд бўлган. Лекин одамлар илма тугмадан кўра боғичлардан фойдаланишни афзал кўришган ўша даврда. Дастлаб тугмалар кийим безаги ҳисобланган. Зарғарлар қимматбахо тош ва металллардан ҳам тугмалар ясаган. Шу билан бирга тугмаларнинг қўлиги кишининг бой-бадавлатлигидан, мартабасидан дарак бериб турган. Аксарият одамлар эса сертугма кийимларни ҳаддан ортиқ олифтагарчиликка ўйишган. Масалан, тарихга назар ташласак, Франция қироли Франциск I қора баҳнал камзулини 13600 та тугма билан безашга фармойиш берган экан. Хуллас, тугмалар айни пайтгача кийимларимизда муҳим восита ва безак бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Рустам СУЛАЙМОНОВ



Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат

Кунлар исиб қолди-я

# СКАНВОРД

1	2	3	4	5	6	7	
					8	9	
10	11	12				13	
		14		15			
16	17	18	19			20	
21			22	23			
24			25	26	27	28	29
30	31	32	33	34			
35			36	37		38	39
40	41			42			
	43			44		45	46
							47

1.Атласчи шахри. 2.Вилоят. 3.Дон туйилади. 4.Зар. 5.Зиёд. 6.Ўзбек шоираси. 7.Пок. 8.Роҳат, хузуур. 9.Насл. 10.Сарой. 11.Лакшман акаси. 12.Электрод. 13.Оловкор шахри. 14.Жонивор. 15.Пойтахт. 16.Ширинлик. 17.Муסיқа асбоби. 18.Инсоф. 19.Уя. 20.Газ. 21.Қадимий шахар. 22.Фармонбининг келини. 23.Зеб. 24.Қир. 25.Ер сатҳи бирлиги. 26.Таъм. 27.Хаёт. 28.Қайғу. 29.Металл. 30.Тог. 31.Шеър вази. 32.Фалла. 33.Физик зарра. 34.Серилдиз ўт. 35.Падар. 36.Нусха. 37.Архипеллаг. 38.Сўз воситаси. 39.Дарё. 40.Сўз туркуми. 41.Ҳарбий қисм. 42.... Али ибн Сино. 43.Намак. 44.Самар... 45.Авто ёритгич. 46. ... Бухорий. 47.Устоз.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ

## ОЙЛАР ЎТЛАР, ЙИЛЛАР ЎТЛАР

<p>Япроқлар тўкилар, Сокин боқайтган соғинчининг. Ичкарисидан шивирлаётир, алланарса.</p>	<p>Япроқлар тўкилар, Жимликка қўшилар япроқлар. Маҳзун тикилиб соғинчлар, Шивирлар томонга сени обкетар.</p>	<p>Япроқлар маъно касб этмайди кейин, Кўзлар ҳам шишадан бўлак нарсамас. Ичкарида камалакваш рангли, Ёмғир хотиралар ичкарида.</p>	<p>На жимлик, На япроқ, На жонинг борлиги Маъносиз энди.</p>	<p>Юлдузга қарайман. Ойлар ўтар, Йиллар ўтар.</p>	<p>Жамолининг эпкини Ёлар бу китобни. Бу бемаъни китобни.</p>
<p>Мен қайтмоқчи эдим, Бироқ нур тушавериб Увадаси чиққан вақт, Қайтмаслик ҳақида ёлворди менга.</p>	<p>Мен шунинг учун қайтмадимки, Кетаётган йўлим Чўққига қараб туташган эди, Энди мен чўққига йиқиламан.</p>		<p>Ойга қарайман, Юлдузга қарайман. Кунлар ўтар, Ҳафталар ўтар. Китоб варақларидай Очилиб борар ҳаёт. Ойга қарайман,</p>	<p><b>Даврон РАҲАБ, Олий адабиёт курси тингловчиси</b></p>	



А. ҲАКИМОВ чизган расмлар

**Turkiston** МАЪСАСИ «КАМОЛ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга тошқирин вақти-21.00 Топшириқдан 21.00

1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2

**Бош муҳаррир:** Салим АШУРОВ

**Тахрир ҳайъати:** Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комиа ЮСУПОВ, Асламдин БОЛИЕВ, Юсуф ЖўРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Файрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шовзим МИНОВАРОВ, Фаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

**Вилоят муҳбирлари:**

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — **Термизда:** 8-37-622 — 3-53-88

Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — **Бухорода:** 8-36-52 — 23-37-44

Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — **Тошкентда:** 8-36-72 — 24-02-86

Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — **Фарғонада:** 8-37-32 — 24-54-61

Самарқанд вилояти бўйича — **Самарқандда:** 8-36-62 — 34-43-89

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — **Урганчда:** 8-362-22 — 7-45-

Наманган вилояти бўйича — **Наманганда:** 8-36-922 — 6-10-70

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:** 133-95-97, Рекама булими: (3712) 133-79-69

Тақрирнинг асборнати материаллар қайтарилмайд.

Муаллифлар фикри тахрирнинг нуктаи назаридан фарқланши мумкин.

«Шарқ» наприёт матбаа акциядорлик компанияси босмахансида чоп этилади.

**Корхона манзили:** «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. 31 10. Адади-8428

Газета тахрирнинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**Навбатчи муҳаррир:** Саҳифаловчи: Воҳид БОЙМУРОДОВ Нодирбек ОРТИҚОВ